



КУН РАҚАМИ

2025 йилда интернет фирибгарлиги оқибатида фуқароларга етказилган зарар миқдори 7 миллиард тенгени ташкил этди. Июнь ойида 16 миллион фуқарога оид маълумотлар очиқ тармоқларда тарқалиб кетди.



TÚRKISTAN

janubiy.kz

Жанубий

Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 16 октябрь, пайшанба, №111 (3612).

Президент



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ПРЕЗИДЕНТ “ШВЕЙЦАРИЯ-ҚОЗОҒИСТОН” ПАРЛАМЕНТ ДЎСТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Kazinform. Учрашувда Президент Қозоғистон Европада ишончли ҳамкорлардан бири бўлган Швейцария билан узок йиллик муносабатларга алоҳида аҳамият қаратишини эслатди. Бу ҳақда Ақўрда матбуот хизмати хабар берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ўзининг 2021 йилда Швейцарияга расмий таширифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликини мустаҳкамлаш учун замин яратганини таъкидлади.

Давлат раҳбарининг фикрича, Швейцария депутатларидан иборат делегациянинг мамлакатимизга таширифи икки томонлама интеграцияни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

“Швейцария-Қозоғистон” парламенти дўстлик гуруҳи мувофиқлаштирувчиси Филиппо Ломбарди

Давлат раҳбарига меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик изҳор этиб, Қозоғистон – Швейцария ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда Астана ва Берн ўртасидаги савдо ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинди.



ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТАДИ

Kazinform. Президент Парламентни ислоҳ қилиш бўйича Ишчи гуруҳининг дастлабки йиғилишида сўзга чиқиб, бир палатали парламентга ўтиш халқаро тамойилларга тўлиқ мос келишини таъкидлади.

– Мамлакатимизда турли жабҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётгани барчангизга маълум. Биз кучларни бирлаштириб,

сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттирмоқдамиз. Бу ўзгаришлар давом этади. Биз эришган ютуқларимиз билан тўхтаб

қолишга ҳаққимиз йўқ. “Кучли Президент – Нуфузли Парламент – Ҳисобдор Ҳукумат” концепциясидан келиб чиққан ҳолда, давлатимизни тубдан замонавийлаштириш стратегиямизни давом эттириш зарур. Шундай қилиб, мамлакатимизда президентлик бошқарув тизими ўз долзарблигини сақлаб қолади, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, дунё давлатларининг учдан икки қисми ушбу парламент тизимини қабул қилган.

– Энди умумий кўрсатмалар, оқилона ва мувоозанатли таклифларни ишлаб чиқиш керак. Шунинг учун биз барча нуқтаи назар ва ғояларни чуқур ўрганишимиз даркор, – деди Президент.

Қозоғистон Республикаси Мустақиллигига – 34 йил

Ҳар бир давр ўзининг сиёсий манзараси, илғор ғоя ва янги фикрлари билан жамият ривожига йўналиш беради. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг халққа йўллаган Мактуби ҳам айнан ана шундай тараққиёт қонуниятларига мос келаётган, ислохотлар мазмунини очиқ берувчи дастурий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, “Ҳар қандай ислохот ғоя сифатида инсон онгига сингиб, мафкурага айланмагунча амалий кучга айланмайди”. Дарҳақиқат, тараққиётнинг ўзи жамиятни, инсонни янгиланишга чорлайди. Шунинг учун ҳам ислохотлар дунёвий ўзгаришлар билан ҳаммоҳанг бўлмоғи шарт. Президент Мактубида ҳам бу тамойил яққол акс этган:

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар энди иқтисодий ўзгаришлар билан узвий боғланиши керак. Давлат, энг аввало, фуқароларга тенг имконият яратиб, адолат ўрнатиши шарт, – деди Давлат раҳбари.

Президент таъкидлаганидек, давлат ва фуқаро ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлмас экан, янгиланиш жараёни самара бермайди. Давлат бошлаган ислохотлар фуқаролар онгида ўз ифодасини топиши, жамият ҳаракатига айланishi керак. Бу жараён бир кунда амалга ошмайди – у тажриба, сабр ва жипсликни талаб қилади.

Президент томонидан таклиф этилган “Янги иқтисодий сиёсат” ҳам ана шу изчилликка қаратилган.

Юртбоши таъкидлаганидек, биз ҳали ҳам қомашёга қараммиз, меҳнат унумдорлиги паст, сармоялар етарли эмас. Миллий даромад неъматлари тенг тақсимланмаган. Аммо бу муаммоларни ҳал этишнинг йўллари аниқ: иқтисодиётни ранг-баранглаштириш, рақамлаштириш, кичик бизнес ва инсон капиталини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш.

Дарҳақиқат, бугунги янги сиёсий давр Қозоғистонни янги босқичга олиб чиқмоқда. Президент бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат бошқарув усулларини, балки давлат билан жамият муносабатларини ҳам замон талабига мос даражага кўтарди.

Шу маънода, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXXI сессиясида илгари сурилган “Халқ бирлиги – янгиланган Қозоғистоннинг асосидир” ғояси ҳам миллий ҳамжиҳатлик фалсафасини янада мустаҳ-



Бирлик, адолат ва янгиланиш – Янги Қозоғистон тамойили

камлади. Президент Ассамблеяни мамлакатда тинчлик ва тотувлик сиёсатининг соҳавий таянчи сифатида янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ассамблея фаолияти орқали миллатлар ўртасидаги дўстлик, ватанпарварлик ва давлат тилига ҳурмат кучайди. Турли миллат вакиллари ягона уйнинг фарзанди каби, ягона Ватан тақдири учун масъуллик ҳиссини юрагидан ўтказди.

Жамиятдаги бирлик, айниқса, юрт бошига ташвиш тушганда аниқ билинди. Арис шаҳрида юз берган воқеа оқибатларини бартараф этишда халқнинг бирдамлиги, мустаҳкамлиги намоён бўлди. Шаҳардаги портлашлардан ваҳимага тушиб, ўз уйини ташлаб қочган арисликларга қўлида нон, суви билан пешвоз чиққан, ўз уйдан уларга жой берганларни миллатга ажратиш мумкинми? Йўқ, албатта! Арис шаҳрини тиклашда этномаданият бирлашмаларининг фаоллиги, жонбозлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Нимага эришган бўлсак, барчаси ҳамжиҳатлик, бирлиكنинг мевасидир.

Коронавирус пандемиясидан бутун дунё азият чеккани ҳали унутилгани йўқ. Шундай оғир даврда ҳам Ассамблея ўз йўналишидан оғишмай ҳаракат қилди. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда Ижтимоий тотувлик ташкилотининг бўлимлари ва этномаданият бирлашмалари томонидан “Биз – биргамиз!” шиори остида

озик-овқат, гигиена воситалари тарқатилди. Айниқса, карантин пайтида тиббий ниқобларни биргаликда тикиб, уларни бепул тарқатганларнинг меҳнатига қанча таҳсин айтсак, оз. Мақтааралдаги сув тошқини пайтида ҳам Ассамблея халқнинг дарду изтиробларига малҳам бўлди.

Табиий офатларнинг ҳар бири халқнинг бирдамлиги ва Ассамблеянинг жонбозлиги туфайли энгил кечди. “Биз – биргамиз!” шиори амалий ҳаракатга айланди.

Бошқарув тизимидаги янгиланишлар ҳам давр талаби. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, фуқаролар қоғозда эмас, амалда бажарилаётган ишлар натижасини кўришни хоҳлайди. Шу боис ҳукумат ва вазирликларнинг масъулияти оширилиб, марказлашмаган бошқарувга ўтиш йўлга қўйилди.

Бу янгиланишлар орқали “Янги Қозоғистон” ғояси алоҳида мазмун касб этмоқда. Унинг моҳияти – номни ўзгартаришда эмас, балки жамият онгида, давлат фаолиятида туб ўзгариш ясашда.

Пандемия, иқтисодий инқироз, дунёвий беқарорлик – барчасига қарамай, Қозоғистон барқарор тараққиётни сақлаб қолди. Бу – ислохотлар изчиллиги ва халқ бирлиги самарасидир.

Ҳақиқатан ҳам, халқ ва давлатни бирлаштирган янгиланиш фалсафаси – Янги Қозоғистоннинг асосий таянчи, адолат ва фаровонлик сари етакловчи йўлди.

А. АБДУФАТТОХ.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ



Kazinform. Тулкибош туманида йилига 48 минг тонна парранда гўшти етиштириш қувватига эга фабриканинг қурилиши бошланди. Лойиҳанинг тамал тошини қўйиш маросимида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев иштирок этиб, янги корхона минтақанинг иқтисодиётига жўшқинлик беришини таъкидлади.

– Бугун биз учун қувончли кун. Бир кунда икки янги ишлаб чиқариш иншоотининг қурилиши ва ишга туширилишига гувоҳ бўляпмиз, – деди вилоят ҳокими. – Кумисбастау қишлоғида яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган йирик завод фаолияти бошланса, Жабағили қишлоғида паррандачилик йўналишидаги янги фабрика қурилиши бошланмоқда. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. Янги корхоналарда замонавий технологиялар жорий этилиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлайди. Янги фабрика келгусида ички бозор эҳтиёжини қондириш баробарида экспорт салоҳиятимизни ҳам оширади.

53,7 миллиард тенге қийматидаги сармоя асосида барпо этиладиган корхонада 1200дан зиёд иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Фабрика 517 гектар майдонда жойлашиб, унда 96та парранда хўжалиги, инкубатор, ем-хашак заводи, сўйиш ва музлатиш цехлари, электр ва газ станцияси барпо этилади.

Лойиҳа уч босқичда амалга оширилиб, 2030 йилга қадар тўлиқ қувват билан ишга туширилади.

АГРАР СОҲА ТАРАҚҚИЁТ САРҲАДИДА

Жорий йил вилоятда қишлоқ хўжалиги субъектларини қўллаб-қувватлашга 48,5 миллиард тенге, яъни, вилоят бюджетидан 43,3 миллиард тенге, ҳукумат захирасидан 5,2 миллиард тенге маблағ ажратилди. 9 ой якунига кўра, хўжаликларга 42 миллиард тенге ажратилди. Аграр соҳага давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам қишлоқ хўжалигининг барқарор тараққиётини таъминламоқда. Мазкур масала вилоят ҳокимининг девон мажлисида муҳокама қилинди.



Вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров хўжаликларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилиб, субсидия ва имтиёзлар минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига салмоқли ҳис-

са қўиш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан мутасаддиларга аниқ вазифалар юклатилди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг раҳбари Файзулла Байдуллаевнинг маълум қилишича, “Асосий экинларнинг ишлаб чиқаришини субсидиялаш” дастури орқали 4,4 миллиард тенге маблағ ажратилган. Иссиқхоналарни қўллаб-қувватлаш натижасида маҳсулотлар нархи барқарорлашиб, экин майдонлари кенгайди, ҳосилдорлик ортмоқда. Шунингдек, 2023 йилда иссиқхоналарда 78 минг тонна маҳ-



минерал ўғит билан таъминлаш мақсадида бюджетдан 12,2 миллиард тенге ажратилди. Бугунги кунда режа тўлиқ бажарилиб, экин майдонларига 206 минг тонна минерал ўғитлар етказиб берилди.

Республикада йирик қорамолнинг 13 фоизи (1 143,6 минг бош), қўй-эчкининг 22 фоизи (4947,6 минг бош) ҳамда туянинг 14 фоизи (43,2 минг бош) вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Минтақада йилдан-йилга наслдор мол сони ортмоқда. Қайта ишлаш корхоналарининг харажатларини субсидиялаш дастури доирасида 2023 йили 1,3 миллиард тенге, 2024 йили 1,85 миллиард тенге, 2025 йили 1 миллиард тенге ажратилди.

йилларга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2025 йилда вилоятда 89,9 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш режаланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ



Уюшган жиноятчилик, хусусан, порахўрлик – давлатимиз ва жамиятимиз ривожига йўлига тўсиқ бўлаётган иллатдир. Жамиятда адолат ўрнига адоват ҳамда одамлар орасида ишончсизликка сабаб бўлиб, пировардида маънавий таназзулга олиб келади. Порахўрлик – инсоннинг виждони ва ҳалоллигига қарши хиёнатдир.

Порахўрликка қарши курашда давлат органларига эмас, ҳар бир фуқаро муносиб ҳисса қўиши керак. Фуқаролар ўз вазифасини виждонан бажарса, ҳалол меҳнатни қадрласа, жамиятда адолат ва барқарорлик қарор топади. Туркистон шаҳридаги Ғ. Муратбаев номли 5-сонли умумтаълим мактабида 9-10-11-синф

ўқувчиларига “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси қонунлари таништирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. “По-



рахўрлик иллатига таъсир этувчи омиллар” мавзуида видеороликлар намойиш этилди. Мактаб директори Гулзада Ўмарқизи сўзга қиқиб, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябрдаги “Порахўрликка қарши кураш тўғрисида”ги қонун талаблари доирасида маъруза қилди. Порахўрликка қарши кураш ҳар бир соҳада амалга оширилиши даркор. Шу боис,

давлат тараққиётига лоқайд бўлмаган ҳар бир фуқаро порахўрликка қарши курашда фаоллик кўрсатиши лозимлигини таъкидлади.

Нодира АҲМЕДОВА, Ғ. Муратбаев номли 5-сонли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Тасвирларда: мактаб директори Ғ. Ҳамроева маъруза қилмоқда; тадбир иштирокчилари.

Муаллиф суратга олган.

САЙРАМ ТУМАНИ ЯНА ЧЕМПИОН!

Ўрдабоши туманининг Тўртқўл қишлоғида 2009-2010 йили туғилган ўғил болалар ўртасида волейбол бўйича вилоят чемпионати ўтди. Мусобақада 13 жамоа, жами 156 нафар спортчи иштирок этди.

Қизгин ва юқори савияда ўтган беллашувлар якунида Сайрам тумани жамоаси барча рақибларини мағлуб этиб, вилоят чемпиони бўлди. Кентов шаҳри жамоаси иккинчи, Саригоч тумани волейболчилари учинчи ўринни эгалладилар.

«Энг яхши ўйинчи» унвони Сайрам тумани “Ақсу яқка кураш спорт клуби” ДҚК спортчиси Бехруз Собиржоновга насиб этди.

Жамоани мусобақага мураббийлар: Қобулжан Эгамбердиев (катта мураббий), Илҳом Файзуллаев, Шавкат Усмонов, Гавҳар Йўлдошев тайёрлаган.



Чемпионат ғолиб ва совриндорларини вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг мутасаддиси Ахан Есалиев ҳамда мураббий Иса Раймханов тақдир-

лаб, махсус кубок ва медалларни тақдим этдилар.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»»» “Тоza Қозоғистон” – амалда

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ИШЛАРИ ЮРИТИЛДИ

Сариогоч туманида ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида кенг қамровли шанбалик уюштирилди. Экологик тадбирда туман ҳокими Арман Абдуллаев билан туман раҳбарияти, давлат хизматчилари, маслаҳат депутатлари, зиёлилар, фахрийлар, ёшлар ташкилотлари иштирок этди.

Тозалик тадбирида барча корхона ва идораларга ҳудудлар тақсимланиб, ишлар эрталабдан бошланиб кетди. Ахлатлар тўпланиб, чор-атрофлар тартибга келтирилди. Махсус техникалар ҳам жалб этилди. Кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам эътибордан четда қолмади, “Ғалаба” истироҳат боғига арча кўчатлари ўтқазилди.

– Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг минтақаларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасидаги топшириғига

мувофиқ, туманимизда баҳор ва куз ойларида анъанавий кўчат ўтқозиш ишлари юритилади. “Отангдан мол қолгунча, боғ қолсин”, деган доно халқимиз. Биз бугун экаётган ниҳоллар эртага катта боққа айланиб, экологияга ижобий таъсир кўрсатади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – ҳар биримизнинг бурчимиздир, – деди туман ҳокими А. Абдуллаев.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»» Президент Мактуби – амал дастури

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ МАСЪУЛИЯТ

Рақамлаштириш – тараққиётнинг асосий омили, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув тизимини янги босқичга олиб чиқадиган стратегик йўналишдир.

Мамлакатимизда рақамли ислохотлар аҳоли турмуш сифатини юксалтириш, давлат хизматларини қулай ва шаффоф қилиш, иқтисодиётда янги имкониятлар яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Кейинги уч йилда мамлакатимиз тўлиқ рақамли давлатга айлантирилиши режалаштирилган. Бу ҳақда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали” Мактубида алоҳида таъкидлади.

“Сунъий идрокнинг жадал ривожланиши ҳозирнинг ўзида одамларнинг, айниқса, ёшларнинг хулқ-атвори ва ўзига хослигига кучли таъсир кўрсатмоқда. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки бу жараён бутун инсоният ҳаёти, жаҳонда шаклланган тартиб ва одамларнинг турмуш тарзини доимий равишда ўзгартирмоқда. Биз бунга тайёр бўлишимиз ва қатъий ҳаракат қилишимиз керак. Акс ҳолда, кечикиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун мен олдимизга жуда муҳим мақсадни қўйдим”, деди Давлат раҳбари.

Президент ташаббуси билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини янгилашга хизмат қиладиган Сунъий идрок ва рақамли тараққиёт вазирлиги ташкил этилади. Бу қарор рақамли сиёсатни тизимли асосда амалга ошириш ва соҳани давлат миқёсида мувофиқлаштиришга замин яратади.

Айтиш мумкинки, рақамлаштириш иқтисодий тараққиёт суръатини оширади, ижтимоий



соҳани ривожлантириш ва бошқарув тизимида шаффофлиқни таъминлайди. Масалан, фақат “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури доирасида 120дан ислохотлар орқали” Мактубида алоҳида таъкидлади. “Ақлли шаҳар” лойиҳаси орқали Астана, Алматы, Шимкент, Туркистон каби шаҳарларда транспорт, хавфсизлик ҳамда коммунал хизматлар тизими рақамлаштирилди. Молия ва солиқ соҳаларида рақамли ислохотлар самараси туфайли ортиқча қоғозбозлик қисқарди, таълим ва инновация соҳаларида электрон платформалар жорий этилди. Натижада, Қозоғистон бутун Осиё бўйича рақамли тараққиётда илғор ўн давлат қаторидан ўрин эгаллаб, МДҲ давлатлари орасида етакчиликни қўлга киритди.

Мухтасар қилиб айтганда, рақамлаштириш янги Қозоғистоннинг тараққиёт босқичига йўл очмоқда. Янги технологиялар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ажралмас қисмига айланди. Бу борадаги ишлар келгуси йилларда ҳам давом эттирилади, айниқса, Сунъий идрок каби замонавий технологияларга алоҳида эътибор қаратилади.

Уалихан РАХИЕВ, вилоят маслаҳати депутати.

БИЛИМ – КЕЛАЖАКНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ САРМОЯСИ



Давлатимиз раҳбарининг жорий йилги Мактуби Янги Қозоғистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг янги босқичига йўл очди.

Унда сармоявий сиёсатни кучайтириш, агросаноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт тизимини такомиллаштириш ва сув инфратузилмасини янгилаш каби вазифалар белгиланади. Шунингдек, Мактубда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳонда Сунъий идрок соҳаси, мутахассисларига талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун бу соҳадаги билим ва кўникмаларни ёшлардан, яъни мактабдан бошлаб шакллантириш зарур. Мактабдан рақамли саводхонлиқни ошириш, сунъий идрок ва замонавий технологиялар тилини ўргатиш – бугуннинг долзарб вазифаси.

Билимга йўналтирилган сармоя – келажаkning ишончли қадамдир. Шу ўринда Давлат раҳбарининг жорий йилдаги ўқитувчилар анжуманида айтган фикрлари муҳим. Президентимиз таъкидлаган муҳим масалалардан бири – устоз мактабини янада юксалтиришдир. Устозга эътибор – келажаkning эътиборни ифодалайди.

Нияз ИМАНБЕКОВ, “Туркібасы” умумтаълим мактаби директори.

Озодлик қишлоғи, Тулкибош тумани.

ҚАЖИМУҚАН – КУЧ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР РАМЗИ

Ўрдабоши туманида Қажимуқан Мунайтпасов хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтди. Ушбу анжуман туман ҳокимлиги шафелиги ва “Қажимуқан” жамоат бирлашмаси ташаббуси билан яқинда фойдаланишга топширилган.

Тадбирнинг бош госяси – дунё миқёсида тан олинган қозоқ халқининг илк жаҳон чемпиони, куч ва жасорат тимсоли Қажимуқан Мунайтпасулининг ҳаётини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва фидойилик туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат эди. Тантанада давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият вакиллари, қажимуқаншунос олимлар ҳамда машҳур полвоннинг Қозоғистон ва Россиядаги авлодлари ҳам иштирок этди.

Тадбирни очган туман ҳокими Азат Ўралбаев Қ. Мунайтпасулининг жасорат йўли ва миллат руҳини юксалтирганини таъкидлаб, унинг номи янги авлод учун абадий ибрат мактаби эканлигини қайд этди.

Тадбир давомида Қажимуқан Мунайтпасовнинг ҳаёти, жаҳон сахналаридаги зафарли дақиқалари ва халқ хизматидаги фидойиликларини акс эттирувчи кўргазма намойиш этилди. Меҳмонлар янги маданий-спорт мажмуаси билан танишиб, унинг имкониятларига юксак баҳо бердилар.

Тантаналар Қ. Мунайтпасули хайкали пойига гулчамбар қўйиш билан давом этди. Шунингдек, ботир хотирасига бағишлаб, қозоқ кураши бўйича спорт мусобақаси ва илмий анжуман ўтказилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Шимкент шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Қозоғистон халқи Ассамблеяси Раиси ўринбосари, ҚР Президенти Маъмурияти ҳузуридаги ҚХА котибияти бошлиғи Марат Азилханов этномаданият бирлашмалари раислари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.



Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Сарсен Қуранбек раислигида ўтган йиғилишида ҚХА XXXIV сессияси ҳамда Президентнинг жорий йилги Мақтубида белгиланган вазифаларнинг ижроси муҳокама қилинди.

ҳақида фикрларини изҳор қилишди. “Вайнах” чечен-ингуш ЭМБ раиси Рамазан Матаев ҳамда Ал Форобий тумани УЭМБ раиси Шухрат Рўзиматов ҚХАнинг “Алғис” медали ва бошқаларга фахрий ёрликлар топширилди.



– Шимкентга сизларнинг фикрларингизни тинглаш, таклиф, ташаббусларингизни ўрганиш мақсадида келдим. Ассамблея фаолияти, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида таклифларингиз бўлса, марҳамат, – деди Марат Алмасули.

Тадбирда М. Аюезов номидаги Жанубий Қозоғистон тадқиқот университети “Тарих ва этнология” илмий маркази раҳбари, “Қазақтану” журнали масъул муҳаррири Шўлпан Тўрғаутова, Ҳ. Жанибеков номидаги Жанубий Қозоғистон педагогика университети департаменти директори Қайрат Анарбаев, Этномедиация кенгаши раиси Дана Кенжеғулова, ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳирбек Нишонбоев, турк ЭМБ раиси Латипша Асанов, корейс ЭМБ раиси Юрий Пан, оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Батирбек Жалмураев сўзга чиқиб, Ассамблея фаолияти ва истиқболли лойиҳалар

Учрашув якунида Марат Алмасули билдирилган фикр ва таклифлар эътиборга олинишини таъкидлади: – Ассамблея ва унинг жамоат тузилмалари зиммасига юклатилган улкан вазифанинг асосий мақсади – мамлакат келажаги учун ҳалол, билимли ва ватанпарвар авлодни тарбиялашдир, – деди у.



Шу куни “Ассамблея жастары” ташкилоти аъзолари

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Сўранг, жавоб берамиз!

Нафақадорман, ёшим 70дан ошди. 1 октябрь Қариялар куни муносабати билан Шимкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 12 минг тенгега яқин пул берилади, деган хабарни эшитиб, қувондим. Лекин пенсиямга бу маблағ тушмади. Сабабини билишга ёрдам берсангиз.

М. МАҲАММАДОВА,
Шимкент шаҳри.

Ушбу савол юзасидан Шимкент шаҳар бандлик ва ижтимоий муҳофаза бошқармасидаги (раҳбари Жанат Утебаева) мутасаддиларга мурожаат қилдик. Call марказдаги (8(7252)-77-11-03) операторга йўллашди. Операторнинг айтишича, ушбу масала юзасидан сўнги кунларда қўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМНИ ОЛОЛМАДИМ

Маълумки, Шимкент шаҳрида 70 ва ундан катта ёшдаги нафақадорлар Халқаро Қариялар куни муносабати билан 3 ОХҚ миқдорида бир марталик нафақа олдилар, бу 11 796 тенгени ташкил этди. Бир марталик моддий ёрдам Пенсия тўловлари маркази маълумотлари асосида, нафақадорлар рўйхатлари бўйича автомат тарзда, шаҳар бюджетидан ажратилди. Шу боис, фуқаролардан ариза ёки бошқа ҳужжатлар талаб қилинмади. Ҳозирда Шимкент шаҳрида 99 минг нафақадор истиқомат қилади.

Бироқ, айрим ҳолларда на-

фақадорларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги (прописка) бўйича муаммоси сабабли улар маълумотлар базасида қайд этилмаган. На-тижада октябрь ойи пенсияси-га бир марталик тўлов қўшил-маган. Шу боис, пул олмаган-лар яшаш жойидаги Аҳолига хизмат кўрсатиш марказига бориб, рўйхатдан ўтиш шак-лини тартибга келтиришлари зарур. Сўнг call марказдаги (8(7252)-77-11-03) операторга мурожаат қилиш орқали маса-лани ҳақл қилиш мумкин.

Н. МАВЛОНОВА.



»» Обуначиларимиз орасида

МУКОФОТ МУБОРАК !



Саврон тумани таълим бўлимига қарашли Ал Форобий номли мактаб жамоасининг бир гуруҳ тажрибали, пешқадам устозлари ўқитувчилар байрами шарафига нуфузли мукофотлар билан тақдирланди.

Мухтабар Бахт қизи Зуппархонова – ҚР Таълим вазирлигининг “Фахрий ёрлиғи”, Мирамин

Шомиддин ўғли Йўлдошев – “Қасаба уюмчасига хизмат кўрсатган ходим” кўкрак нишони, Рашид Бобоев – ҚР Таълим вазирлигининг “Меҳнат фахрийси” медали билан тақдирланди.

Шунингдек, Илмира Адаҳон қизи Муслимова кўп йиллик самарали меҳнатдан сўнг фахрий ҳордиққа чиқди. Қадрли ҳамкасбларимизни самимий

қутлаб, мустақкам саломатлик, омад тилаймиз.

Ал-Форобий номли мактаб маъмурияти, қасаба уюмчаси кўмитаси, устозлар ва ота-оналар жамоаси.

Тасвирда: мактаб директори М. Мамадалиева мукофотланган ва нафақага чиққан ҳамкасблари билан.

»» Заковатли миллат

ЎҚИГАН ЎЗАДИ



Саврон тумани, Бершинтўбе қишлоғидаги Ҳ. Жанибеков номли мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Нодира Фозил қизи халқаро IELTS имтиҳонида иштирок этиб, юқори кўрсаткич – 5,5 балл натижага эришди. Баракалла, барака топ! Ҳар қандай ютук замирида тинимсиз меҳнат ва изланиш ётади.

Нодира тайёргарликни 9-синфдалигидан бошлаб, устози Симбат раҳбарлигида инглиз тилини пухта ўзлаштирганлиги амалда самара берди. Мактабда магистр ўқитувчи бўлиб ишлаётган акиси Қодиржон Йўлдошевнинг ўғит-маслаҳатлари ҳам катта қўллов бўлди. Нодиранинг волидаи муҳтарамаси, обунда жонкуяр мактаб кутубхона мудираси Дилхумор Йўлдошева, мактаб жамоасини ушбу эришилган улкан ютук билан самимий муборакбод этамиз. Келажақда Нодирага омад-саодат ёр бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Нодира Фозил қизи акиси Қодиржон ва онаси Дилхумор Йўлдошева билан.

»» Саврон тумани

ЎРАНҒАЙЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Пойтахтимиз Астана шаҳрида ҚР Таълим вазирлиги “Миллий илмий-амалий жисмоний тарбия маркази” ташкилотчилигида 2-11-синф ўқувчилари орасида шахмат, шашка ва тўққиз кумалоқ спорт турлари бўйича республика олимпиадаси ўтди.

Ушбу нуфузли мусобақада Туркистон вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган Саврон тумани жамоаси, хусусан, туман таълим бўлимига қарашли Мухтар Аюезов ва 3-сонли



мактабнинг 5 ўғил, 5 қиз болаларидан таркиб топган жамоа фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Газетамизда аввал хабар қилинганидек, Саврон тумани терма жамоасига Ўранғай қишлоғидаги 3-сонли мактаб директори Нурлан Қадиров раҳбарлигида М. Аюезов ном-

ли мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари Қадирхан Айтилеуов, Қулмирза Арман, кўшимча таълим бериш педагоги Дияла Пирметова ҳамда 3-сонли мактабнинг спорт йўриқчиси Муталиб Шақан фаол иштирок этишди. Ушбу ютук 7 ёшдаги Туркистон вилояти ҳамда республика куни ва мустақиллик

байрамларига муносиб тўхфадир. Ғалаба муборак бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Саврон тумани терма жамоаси; делегация раҳбари Н. Қадиров ғолиблар билан.

Р. ЁҚУБОВ суратга олган.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортықбой ўғли АЛИБОЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71. Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05 Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРӨНБӨЕВ.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиши уқун мўаллиф-лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ бошқармасида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	Нашр кўрсаткичи – 654466. Адади – 10500 нуска.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Буюртма 2353.	Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.	